

**О‘zbekiston Respublikasi  
Oliy Majlisining  
Qonunchilik palatasi**

Demokratik institutlar, nodavlat  
tashkilotlar va fuqarolarning  
o‘zini o‘zi boshqarish organlari

**Q O‘ M I T A S I**

100035, Toshkent sh.



**Законодательная палата  
Олий Мажлиси  
Республики Узбекистан  
КОМИТЕТ**

по демократическим институтам,  
негосударственным организациям  
и органам самоуправления граждан

100035, г. Ташкент

№ 38-1-IV

«5» август 2021 у. г.

**«Mening fikrim» веб-порталига жойлаштирилган  
«Ҳокимларни халқ томонидан сайлаш амалиётини жорий  
этиш ҳақида»ги жамоавий электрон мурожаатни  
кўриб чиқиш тўғрисида**

« «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 21-моддасига мувофиқ ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан «Ҳокимларни халқ томонидан сайлаш амалиётини жорий этиш ҳақида»ги жамоавий электрон мурожаат юзасидан тайёрланган маърузани эшитиб, у бўйича ўтказилган муҳокамалар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қўмита ишчи гуруҳи томонидан «Ҳокимларни халқ томонидан сайлаш амалиётини жорий этиш ҳақида»ги жамоавий электрон мурожаат юзасидан тайёрланган маъруза маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 6-7-моддалари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси эътиборга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтига қуйидагилар бўйича тадқиқотлар олиб бориш тавсия этилсин:

ҳоқимни сайлаш тартиби ва уларни сайлашнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалалар юзасидан олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик фикрини ўрганиш;

миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳоқимларни лавозимга сайлаш ёки тайинлаш масаласи бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш;

аҳолининг демократик сиёсий маданияти ҳамда сиёсий иштирокини ошириш масалаларини ўрганиш;

олий таълим тизимида давлат бошқаруви соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш борасидаги муаммоларни ўрганиш ва аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

сайловнинг молиявий-иқтисодий асослари ҳамда уни ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш масалаларини ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш;

амалдаги қонунчиликни ҳисобга олган ҳолда «халқ депутатлари Кенгаши раҳбари – ҳоқим» лавозимига тегишли сайловларни ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтига юборилсин.

5. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Қўмита аъзоси А. Рузметов зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмита раиси



Ш.Бафоев